ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК: 417.312.1.

ИЛМИЙ-ОММАБОП НУТҚ МАТНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Т. Халилова

Мақолада илмий-оммабоп нутққа хос матнларнинг услубий-семантик белгилари, назарий масалалари структуравий-стилистик таҳлил усули асосида тадқиқ қилинган. Унда фикр ифодаланишининг ўзига хос усуллари, илмий-оммабоп матнларнинг илмий нутқнинг бошқа кўринишларидан фарқланувчи сифатлари мисоллар билан изоҳлаб берилган. Соф илмий матнлардан фарқли ўлароқ, ҳиссий таъсирдорликнинг намоён бўлиши жиҳатларига ҳам эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: *нутқ, илмий-оммабоп нутқ, матн, экспрессив-стилистик воситалар, ҳаммабоплик, функционал-стилистик аспект, матн тузиш тамойиллари.*

В статье рассмотрены вопросы исследования стилистико-семантических особенностей, теоретические вопросы на основе метода структурно-стилистического анализа текстов свойственной научно-популярной речи, изучающейся как один из типов научной речи.В ней раскрывается своеобразие стиля выражения мысли, а также описаны отличительные стороны научно-речевых текстов на основе примеров. Обращено внимание на особенности проявления экспрессивной влиятельности в отличие от сугубо научных текстов.

Ключевые слова: *речь, научно-популярная речь, текст, экспрессивно-стилистические средства, доступный, функционально-стилистический аспект, принципы создания текста.*

Маълум бир илмий мавзунинг ёритилишида мантиқий мушоҳадалар билан бирга, тилнинг турли экспрессив-стилистик воситаларидан фойдаланилган ҳолда тузиладиган, маъно узатувчи тушунчалар содда тилда баён этиладиган, мавзу турли мисоллар ёрдамида тушунтирилиб, фикр илмий услубга хос аниқ шаклда тугалланадиган нутқ тури илмий-оммабоп услуб кўриниши деб юритилади. Бир сўз билан айтганда, илмий-оммабоп нутқ илмий мавзуни барча тоифадаги кишилар учун тушунарли, ҳаммабоп қилиб тасвирлаш усулидир. Бизга маълум бўлган услубшуносликка доир илмий манбаларда тилга олинаётган нутқ кўриниши илмий услуб доирасида унинг кичик, яъни «подстили» сифатида ўрганиб келинган [1. Б. 25–26] ёки унинг бир тури сифатида ажратилган [2. Б. 82–83]. Ҳар бир нутқ услуби, уларнинг ички бўлинишлари юзасидан текширувларимиз уларнинг функционал хосланганлигини, ҳар бир нутқ услуби ифодасида тил воситалари унинг стилистик характеристикасини, ўзига хос табиатини қай тарзда очиш учун йўналтирилганини ўрганишдан иборат бўлади. Кузатиш давомида бундай нутқ кўринишларида сўзлар фикрнинг мазмуни, мақсади ва моҳиятига боғлиқ ҳолда танланганини тушуниш ҳамда нутқ парчасида қўлланган барча фонетик, лексик, морфологик ҳамда синтактик бирликлар услубини умумий тарзда таҳлил этиш имкониятига эга бўламиз. Албатта, ҳар бир нутқ услубига хос матнлар функционал-стилистик аспект нуқтаи назаридан ёндашув асосида таҳлил этилади. Функционал стилистика, аввало, ифодада тил воситаларининг чуқур умумстилистик характеристикасини очиш учун йўналтирилган соҳа ҳисобланиб, нутқ бирликларини контекстда фикрнинг мақсади ва моҳиятига бўйсундирилган ҳолда ўрганилишидир. Унинг вазифаси тил элементларининг аниқ нутқ шароитларида услубий қўлланилишининг хилма-хиллигини таъминлашдан иборат [3. Б. 33] .

Нутқ услубларини бир бутун матн ҳолида функционал-стилистик аспектда текширишдан яна ундан мураккаброқ бўлган структуравий-

стилистик таҳлил усуллари ҳам борки, бу таҳлил усуллари нутқ матнларининг янгидан-янги назарий стилистик қирраларини очишга имконият туғдиради. Шунингдек, бу таҳлил усули матнда қўлланган тил воситаларининг умумстилистик табиатини лексик, грамматик бирликлар доирасидаги тушунчалар билан баён қилибгина қолмай, тил воситаларининг услубан стилистик қўлланишларни шакллантиришдаги вазифаларини аниқлаб боради, матн тузиш принципларини ва тузилиш усулларини текширади, бу таҳлил усули ҳар бир нутқ услубига хос бўлган матнларнинг тузилишида асос бўладиган структураларни белгилайди, матннинг умумий услубий тасвирини яратади.

Услубшуносликда, функционал стилистикага доир манбаларда илмий нутқ ва унинг тузилиши, услубий белгилари, тил хусусиятлари ҳақида кўплаб тафсилотлар берилган, бироқ илмий-оммабоп услуб, унинг тузилиши, мазмун кўлами тўғрисида айримларидагина қисқа фикрлар келтириб ўтилган холос [1. Б. 82; 4. Б. 14].

Илмий-оммабоп нутқ услуби ва унинг бир бутун матн тилшунослиги нуқтаи назаридан илмий талқини ҳозиргача бирон та дқиқотнинг объектига айланиб улгурмади. Илмий-оммабоп матнлар ҳам ўз ечимини кутаётган, алоҳида тадқиқ объектига айланиши лозим бўлган нутқ кўринишларидан биридир. Биз бу ҳақда фикр юритишдан олдин, илмий-оммабоп нутқ матнларини илмий услуб матнларига таққослаган ҳолда унинг энг асосий белгиларини кўриб чиқамиз.

Илмий матнларда муайян фан соҳасига оид муаммолар доирасида фақат бир соҳа ва бир йўналишдаги мавзулар чуқур таҳлил этилади. Бинобарин, шунга боғлиқ тарзда тилдан фойдаланиш имкониятлари чегараланган ва хосланган бўлади. Кенг омма учун мўлжалланганлик, тушунарли услубда ёзишга интилиш илмий-оммабоп матнларни муайян бир фан ёки унинг соҳаси доирасида чегараланган ва фақат шу соҳа мутахассисларига дахлдор бўлган илмий матнлардан фарқловчи белгилар бўлиб ҳисобланади [5. Б. 31].

Бундан ташқари, илмий-оммабоп матнларининг соф илмий, илмий-техникавий матнлардан фарқланиб турувчи бир қанча жиҳатлари бор. Илмий-оммабоп матнларнинг ўзига хос хусусиятлари соф илмий, илмий-техникавий нутқ кўринишларига таққослаб кўрсатилганда янада ёрқинроқ намоён бўлади.

Илмий матнларда илмий ахборотни сунъий тил элементларига ўтказиш учун ўрни билан турли хил чизмалар, доиралар, блоклар, рамзлар, формулалардан, белгилардан фойдаланилади. Илмий услубнинг соф илмий ёки илмий-техникавий матнлари қурилишининг ўзига хос мантиғи мавжуд бўлиб, у ўзининг тузилиш қонунларига эга аниқ бир шаклда бўлади. Масалан, дарслик, монография, ўқув қўлланмалари ва бошқалар. Кундалик ҳаётда ишлатиладиган сўзлар, кўпгина техник атамалар илмий иш доирасида терминологик ёки умумий мавҳум маънога эга бўлади, илмий матндаги феъллар умумлаштирилган маънога эга бўлиб, тасвирланган ҳодисанинг мунтазамлигини кўрсатади. Масалан, *...шуни таъкидлайдики, ...ушбу мақсадга эришишга ёрдам беради* ва бошқалар. Илмий-оммабоп матнларда эса юқорида айтилган формула, белги, рамз, чизмалар жуда кам ишлатилади. Уларнинг ўрнига кўпроқ омма қабул қила оладиган, тушунилиши осон сўз ва иборалар ишлатилади.

Илмий услубда ахборотни атайлаб билвосита (бошқаларнинг фикрлари ўзлаштирилган тарзда ёки таклифларини келтириб ўтган ҳолда) жумлаларга кенг ўрин берилади. Шундай тарзда илмий матнларда умумлаштирилган илмий жамоа номидан фикр билдирувчи объектив тадқиқотчи шахси кўринади.

Илмий ҳодисаларнинг юзага келиш оралиғидаги сабаб-таъсир, сабаб-натижа муносабатларини намоён этиш, илмий нутқ бирлаштирган ва бири иккинчисидан келиб чиқадиган бирлашма муносабатларни мураккаб типдаги жумлаларни қўллаш воситасида ифодалайдилар. Илмий-оммабоп матнларда эса юқоридаги каби муносабатлар бир-бирига боғланган бирлашма каби кўринишда эмас, ихчамроқ тарзда, ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида жумла ҳолида (содда ёки мураккаблашган содда гап кўринишида) ифодаланади.

Шу жиҳатдан илмий-оммабоп матнларни соф илмий, илмий-техникавий нутқ матнларига

қараганда тушунилиши осонроқ. Унинг мақсади мураккаб фактлар ва жараёнларни тингловчи ёки ўқувчиларга содда ва тушунарли тилда баён қилишдир.

Илмий матнлар тилнинг меъёрий асосларигагина эмас, балки мантиқий қонуниятларига ҳам таянади. Шунга кўра тадқиқотчилар фикрларини мантиқий асосга эгалигини ифодалаш учун тилнинг мазмунан ва ўзаро грамматик воситалар ёрдамида боғланган синтактик имкониятларидан етарли даражада фойдалана билишлари лозим. Бу мақсадда турли хилдаги саралаб олинган синтактик қурилмалар, мураккаб жумлалар, синтактик бутунликлар қўлланилади. Шунингдек, илмий матнларда ҳар қандай ҳодиса ёки воқеани таққослаш мақсадида юқоридаги каби синтактик бутунликлар қисмлари орасида *масалан, шунинг учун, чунончи, шунингдек, шу жиҳатдан олганда* каби бирликлар ишлатилади. Улар келтириб ўтилаётган мантиқан реал мавжуд бўлган воқеа-ҳодисаларни исботлаш, далиллаб кўрсатиш, воқеа-ҳодисаларнинг юзага келиш сабабини аниқлаш, уларни таъкидлаш ва воқеа-ҳодисаларни таққослаш мақсадида қўлланилади. Одатда, асосий қисмда айтиб ўтилиши шарт бўлган фактлар юзасидан қўшимча маълумотларни ўз ичига олган мураккаб жумлаларни қўллаш юзага келади. Илмий матннинг турли қисмлари орасида доимий «clip-words», яъни *шунинг учун, шу билан бирга, бошқача қилиб айтганда, таъкидлаб ўтганимиздек, кўриб гувоҳи бўлганимиздек* каби сўзлар қўлланиб, мантиқий алоқаларни ўрнатиш учун хизмат қилади.

Биз таҳлил этаётган илмий-оммабоп матнларда ҳам, худди илмий матнларда бўлгани каби, тилнинг меъёрий қонун-қоидаларига қатъиян риоя қилинади, реал мантиқийликка асосланилади. Бу турдаги матнларда ҳам тадқиқотчи қарашларини мантиқий асосга эгалигини исботлаш учун турли фактларни келтириб ўтади, шунга мос синтактик қолиплар, бутунликлардан фойдаланади, уларни шакллантиришда адабий меъёр қонунларига қатъиян бўйсунади, шу билан бирга нутқ матнини тор доирадаги соҳа вакиллари учунгина эмас, балки кенг халқ оммаси учун мўлжаллаб ёзади. Юқоридаги каби матн қисмлари орасидаги мантиқий алоқаларни юзага келтирадиган бирликлар ҳам ишлатилади, аммо илмий матнлардагидек мураккаб илмий терминлар ўрнини шу терминга қараганда кенгроқ тушунчани ёки маънони ифодалайдиган атамалар эгаллайди, терминлардан жуда кам фойдаланилади.

Илмий услуб юқоридаги каби коммуникация воситаларининг қўлланилиш хусусиятига эга бўлиши билан ўзгариши қийин бўлган барқарор тизимдир. Илмий матн илмий ижодкорликнинг кенг қамровли тизими бўлишига қарамасдан, тартибга солинган меъёрлар илмий нутқда «шаклни сақлаб қолиш»га ёрдам беради. Омма учун билдирилаётган ҳодисалар ёки фактлар илмий-оммабоп матнда маълум даражада ўзгаришлар бўлишини талаб қилади. Илмий-оммабоп матнларда илмий ижодкорликнинг кенг қамровли тизими тартибга солинган меъёрлар асосида «шаклни сақлаб қолган» ҳолда ушбу шакл мазмун-моҳиятини қулай усулда етказилишини таъминлайди.

Илмий-оммабоп матнларда материалнинг тақдимоти нейтрал илмий адабиётларга яқин тарзда ифодаланади. Бунда ўқувчи учун фақат махсус танланган фактлар қизиқарли материаллар билан таъминланган бўлади. Бундай маълумотни тақдим этиш шакли мутахассис ва барча мутахассис бўлмаган қатлам учун очиқ бўлиши шарт. Шу сабабдан илмий-оммабоп йўсинда фикр юритиш материалларни танлаш, исботлаш, ахборот тақдим этиш услуби ҳамда намуналар келтириш ҳақиқий илмий адабиётларда бўлганидек ифода этилади, аммо матннинг тили ва услуби ҳақиқий илмий матндан анча фарқ қилади. Фикр ўқувчи онгида мавжуд бўлган тил захираси билан тушунтирилади, асосий натижалар тафсилотларсиз берилади. Илмий-оммабоп матнлар умумхалқ миллий тилига мансуб унсурларнинг кўпини ўз ичига олади, ўзига хос тил қўлланилиши жиҳатидан илмий ишлар матнини ташкил этувчи унсурлардан функционал хосланганлиги билан фарқ қилади. Қуйида ушбу хусусиятларни илмий-оммабоп матнларни таҳлил этиш асосида кўриб ўтамиз.

Биз илмий-оммабоп услуб турини структуравий-стилистик таҳлил усули асосида

ўрганишдан олдин унда маълум бир стилистик мақсадда қўлланган тил воситаларининг стилистик усулни тузишдаги ролига баҳо бериш баробарида у мансуб бўлган илмий матнларга ҳам структуравий-стилистик таҳлил усуллари асосида шарҳлаб ўтишни лозим деб топдик.

Функционал услублар ва уларнинг таснифи билан махсус шуғулланган таниқли олимлар илмий нутқ, тасниф қилиниши жиҳатидан, тилнинг маълумот бериш, хабар ифодалаш функциясига кўра ажратилган, дея асослаб берганлар [6. Б. 6]. Илмий нутқ матнларида борлиқ ҳақида, борлиқдаги нарса-ҳодисалар ҳақида, табиат ва жамиятдаги муносабатлар ҳақида аниқ фикр, асосли маълумотлар баён қилинади: улар таърифланади, изоҳланади. Бу услуб ўзининг алоҳида махсус функцияга эга эканлиги билан ажралиб туради. Илмий матнларнинг тузилишида реалликка асосланган мантиқий структуралар устун туради. Бу структуралар матнни воқелик билан бевосита мослаштиради, агар улар олиб ташланса, матн бўлмайди. Асосий тушунчалар ва уларнинг муносабатлари материал билан, фикр мазмуни ва маъноси билан боғланган бўлади.

Энди маълум тарзда матннинг мазмунига ўзгартиришлар киритиш, яъни матн мазмунига омма тушунадиган тарздаги воситаларни қўшиш иккинчи хил типдаги элементларнинг принципиал фарқини келтириб чиқаради: муаллиф фикрининг ўзгартирилишига омил бўлувчи элементлар қўшилган тарзда матн структураси ва мазмун баёнида бироз бошқачалик зоҳир бўлади. Қуйидаги парчага эътибор қаратамиз.

«*Пахта ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиш ва унинг сифатини яхшилаш кўпроқ ғўзанинг баргини қандай тўктиришга, бу эса ўз навбатида дефолиантлардан оқилона фойдаланишга боғлиқдир. Ҳозирги пайтда қўлланилаётган бутифос дефолианти заҳарли ҳисобланиб, у учувчан ва ёқимсиз ҳидга эгадир. Бутифос билан ишланган майдонларда унинг ҳиди саккиз кунгача туради. Хуллас, бутифос инсон организми учун зарарли бўлиб, турли касалликларга олиб келиши мумкин.*

Заҳарлилик ва атроф-муҳитга таъсир этиш нуқтаи назаридан магний хлорати дефолиант-десиканти бирмунча зарарсиз саналади. Магний хлорати ва кальций хлорат хлоридиннинг муҳим камчилиги баргларга ва ғўзанинг ўзига «қаттиқ» таъсир этишдир, чунки бу дефолиантлар одатда бутифосдан кейинги такрорий ишловда ёки ғўза десикацияси учун ишлатилади. Бу қаттиқ препаратлардан фойдаланилганда пахта ҳосилига ва тола сифатига ҳамда чигитнинг ёғлилигига салбий таъсир этиши муқаррардир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институти олимлари бу салбий омилларни мумкин қадар камайтириш мақсадида магний хлоратига аммофос, мочевина ва аммиак селитраси каби минерал ўғитлар қўшишни тавсия этишади. Бунда ҳар бир препарат ўз индексига эгадир.

1. *УРМ – 1 препарати магний хлорати билан аммофоснинг аралашмаси бўлиб у хлоратнинг қаттиқлигини юмшатади.*

2. *УДМ – 2 препарати магний хлоратига мочевина қўшилгани бўлиб, бу ҳам хлоратнинг қаттиқлигини юмшатади*» (Журналдан).

Матнни стилистик жиҳатдан таҳлил этадиган бўлсак, матн учун асосий таянч бўлган нарсаларни, уларсиз матннинг ўзи бўлмайдиган асосий таянч элементларни ажратиб кўрсатиш керак бўлади. Буларга маъно узатувчи тушунчалар, предмет муносабатлари, маълумот мазмуни киради. Ушбу матн қай тарзда ўзгартирилмасин, агар мазмун-маънони етказиб бериш керак бўлса, матндаги ифодаланган тушунчаларсиз иш кўриш қийин: *ғўза барги, дефолиант, бутифос, майдонлар, яъни пахта далалари, инсон организми, касалликлар, магний хлорати, дефолиант-десиканти, кальций хлорат, ғўза десикацияси, пахта, чигит, тола, аммофос, препарат* ва бошқалар. Ушбу матн кўринишини исталган пайтда шаклий жиҳатдан ўзгартиришларда ҳам, масалан, *магний хлорати*нинг ўрнига *кимёвий моддалар, дефолиант* ўрнига *минерал ўғитлар, пахта* ўрнига *оқ олтин, миришкор* ўрнига *пахтакор,* яъни исталган ҳолатда фақатгина асосий тушунчалар сақланиб қолмасдан, балки мантиқий алоқалар ва тушунчалар ўртасидаги муносабатлар ҳам сақланган, бошқача қилиб айтганда, матннинг мантиқий асоси сақланган. Мантиқий асос алоҳида хусусий тушунчалар ўртасидаги

муносабатларни акс эттириши жиҳатидан рационал-мантиқий структуралар қаторида қарор топади.

Фақат илмий соҳа вакилларигина эмас, балки омма учун тушунарли бўлган, матн мазмунига тасвирийлик бағишловчи сўз ва атамаларни шу тарзда қўллаш ёки уларни алмаштириш мазмунга, маълумот маъносига унчалик катта таъсир қилмайди. Мазмун ўзгармайди, аммо шакл, усул, фикр ифодалаш характери ўзгаради. Уни у ёки бу тарзда ўзгартириш матнни тушунишни енгиллаштиради ёки уни бироз мураккаблаштиради. Энди матннинг мантиқий асосини ташкил қилувчи элементлар матнни воқелик билан мувофиқлаштирса, иккинчи типдаги элементлар (уларни, одатда, услуб яратувчи воситалар деб аташади) матнни адресат, яъни эшитувчи билан мослаштиради. Иккала типдаги элементлар ҳам бир-бирига боғлиқ эмас. Баъзилари мазмун доирасида бўлса, бошқалари ифода планида бўлади. Лингвостилистик таҳлил кўпинча услуб яратувчи элементлар билан чекланиб қолади.

Матнни стилистик жиҳатдан таҳлил қилишда давом этган ҳолда, илмий услуб таркибида унинг бир типи саналган, илмий услубга хос умумий яхлит хусусиятларга эга бўладиган, аммо тушунтирилиши бироз бошқачароқ ва ундан ифода кўлами ўзгача бўлган илмий-оммабоп нутқ кўриниши ҳақида фикр юритамиз. Илмий услубнинг барча белги-аломатлари уларнинг ҳар бирида ўзига хос шаклда такрорланади. Илмий-оммабоп услубдаги матнлар, айтайлик, китоб, мақола, маърузалар шу фан масалалари билан таниш бўлмаган кишилар учун мўлжалланганда, материал уларга тушунарли шаклда баён этилади. Фикр жонли ва қизиқарли қилиб тушунтирилади, илмий услубга хос матнларда қўлланадиган маъно узатувчи тушунчалар содда тилда, тушунарли тарзда баён этилади, илмий атамалар кам қўлланилади, умуман таниш бўлмаган атама ва мавҳум формулалар ўрнига аниқ тасвирий материалларга кенгроқ ўрин берилади. Баъзан баённинг образлилик ва эмоционаллигини таъминлаш учун бадиий нутқда қўлланилувчи воситалардан ҳам фойдаланилади, лекин илмий нутқдаги матн билан унинг илмий-оммабоп кўриниши ўртасидаги бу хилдаги тафовутлар илмий услуб тушунчасининг бир бутунлигига, яхлитлигига путур етказмайди. Биз ўз мулоҳазаларимизни назарий манбалардан олинган фикрлар асосида ҳам исботлашимиз мумкин.

Бир (илмий) пландан бошқасига (оммабоп) воситали ўтишда бадиий нутқнинг турлича структуралари ҳам бўлади, яъни унга хос бўлган усул ва приёмлар фикр ҳаракатини мантиқий натижалар йўналишида таянч ҳосил қиладиган бўлади. Мантиқий-мазмуний ўтиш, абстракт тушунчалар ва хулосаларни конкретлаштириш принципи илмий-оммабоп тасвирлаш принципларини ўзига бўйсундиради [3. Б. 74]. Фикримизни далиллаш мақсадида яна мисол-матнга мурожаат қиламиз:

«*Фан – онгнинг ҳамиша тараққиёт ва юксалишга интилувчи, жуда кўп ҳолларда инсон иродаси ва хоҳишига бўйсунмайдиган шакллардан биридир. Лекин фанни шахслар – олимлар яратади. Шахс эса ўз дунёқараши, тафаккур тарзи, қолаверса, олган таълим-тарбияси хусусиятлари билан маълум даражада чегераланган бўлади. Шунинг учун фанда дастлаб новатор, янги-янги далил ғояларни илгари сурган шижоаткор ёш истеъдод, 20-30 йилдан кейин янги ғояларни – ўзи учун фарзандидан ҳам ардоқлироқ ғояларнинг диалектик инкорини камдан-кам ҳолатда қўллаб-қувватлайди. Бунёдкорлик, ўз ғояларининг тараққиётига, инкорига ҳомийлик қилувчи илмий виждони, олимлик бурчи, ҳақ ва халқ олдидаги масъулиятини уққан ва унга бир умр содиқ бўлган инсонларгина умрларини бағишлаган фан тарихи саҳифасидан абадий жой оладилар, унинг зарварақларини безайдилар. Тилшунослигимиз тараққиётида соҳа ривожи ва равнақига салкам олтмиш йил бир хилда зиё таратиб турган академик Ғанижон Абдураҳмонов фанимиз тарихи ва истиқболидаги фозил сиймолардан*» [7. Б. 33].

Келтирилган микроматн илмий-оммабоп нутққа хос бўлиб, унда илмий ҳодиса саналган фаннинг шаклланиши, тараққиётида заҳмат чеккан шахсларнинг умр йўли ва унга бағишлаган эзгу амаллари соф илмий йўсинда эмас, балки барча учун тушунарли, ўқувчини тўлқинлантира оладиган тарзда, унга таъсир этувчи омилларни қўшиб келтириш орқали

баён этилган. Матн мазмунига тасвирийлик бағишловчи сўз ва атамалар (*шижоаткор ёш истеъдод, ...ўзи учун фарзандидан ҳам ардоқлироқ, ...ҳомийлик қилувчи илмий виждони, ҳақ ва халқ олдидаги масъулияти, ...бир умр содиқ бўлган, ...зарварақларини безайдилар, ...зиё таратиб турган, фозил сиймо*...)ни келтириш орқали олимнинг илм йўлидаги фидоийлиги, заҳматларини ўқувчи кўз олдида яққол гавдалантирган, таъсир этувчи функцияларга бой элементлар фикрнинг жонли, тушунарли, таъсирдор, қизиқарли тарзда баён этилишига олиб келган. Дастлабки фан ҳақидаги илмий мушоҳада соф илмий доирада шуғулланувчиларгагина тушунарли ҳолатда баён этилган, матнни ўқишда давом этарканмиз, ушбу мазмун ва ифода фақат илм билан машғул шахсларгагина эмас, балки кенг халқ оммасига мўлжалланган тарзда, уларда нутқ предметига нисбатан фаол эмоционал муносабат уйғота оладиган тарзда нутқ шакллантирилади.

Матндан кўриниб турибдики, ушбу нутқ орқали берилган фикрни тезкорлик билан қабул қилиш ёки уни англаш талаб қилинмайди. Соф илмий матнни тушунтириш ёки у бўйича мулоҳазаларини билдириш ўқувчини чарчатиб қўйиши ёки англаб етишда қийинчиликлар туғдириши мумкин, илмий-оммабоп матн ўқувчини ақл билан мустақил фикр юритишга, мантиқий мулоҳазалар юритишга ундайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, нутқ эгаси илмий фикрни оммабоп ифода этиш билан бирга фикрни чалғитувчи ҳолатлардан ўзини четлаб ўтади, тасвирийликка ҳам кенг ўрин беради; ҳар бир умумий хулосалари мушоҳадавий далиллар билан тасдиқланиб, мисоллар билан тушунтирилади. Юқорида илмий услуб матнларининг тузилишида рационал-мантиқий структуралар устунлик қилади, дея изоҳ келтирган эдик. Илмий-оммабоп матнлар тузилишида эса ҳар қайсисидан: рационал-мантиқий структуралар билан бирга эмоционаллик уйғунлашган ҳолда бериб борилади. Бир томондан мураккабликка ўхшаши, иккинчи томондан ҳаётийлиги ҳамда қизиқарлилиги билан бошқа илмий нутқ кўринишларидан фарқ қилади.

Илмий-оммабоп матнларнинг мақсадли аудиторияси – муайян соҳада махсус маҳорат ва билимга эга бўлмаган аудиториядир. Илмий-оммабоп матн илмий тақдимотнинг кўпгина таърифларини, равшанлигини сақлаб қолади, бироқ ўқувчи уни ҳис қилиб, тушуниб етиши учун жуда соддалаштирилади. Кўриб ўтганимиздек, ҳиссий ва ифодали нутқ шаклларидан фойдаланилади. Унинг вазифаси кенг жамоатчиликни баъзи факт ва ҳодисалар билан яқиндан таништиришдир. Ўтган асрнинг охирги йилларида илмий услубий ва илмий-оммабоп нашрлар кўплаб чоп этилди. Бу махсус терминлар ва рақамлардан, формулалардан фойдаланишни камайтирди ва улар батафсил тушунтиришларга эга бўлди. Илмий-оммабоп услуб матнлари кундалик мосламаларни таққослаш, ўқиш ва ҳис қилиш қулайлигига эга, турли таснифлашсиз ҳодиса ва воқеаларни баён қилиш ва умумий шарҳлашдан иборат мазмунга эга.

Мамлакатимизда китоб мутолааси давлат аҳамиятига молик бўлаётган бугунги глобаллашув давримизда илмий-оммабоп матнлар кенг китобхонлар оммасини табиат ва жамиятда рўй берган ўзгариш ва ҳодисаларни мураккабликсиз тушуниб етишлари, уларнинг аниқ, табиий, гуманитар фанлар юзасидан етарли билимларга, тафсилотларга эга бўлиши, ҳодисалар ва умуман воқелик юзасидан чуқур мушоҳада юрита олишларига замин яратади. Ғоя, тушунча ва далилларни илмий-оммабоп тарзда тасвирлаш халқимизнинг билими, онги, савиясини бойитади, маънавиятли қилади. Нарса ва воқеа-ҳодисаларни илмий-оммабоп қилиб тасвирлаш ўқувчиларда эстетик завқ уйғотади. Шу жиҳатдан олганда, илмий-оммабоп мавзудаги нашрларни кенг йўлга қўйиш ва бундай мазмундаги матнларни матн тилшунослиги ва матн стилистикаси нуқтаи назаридан ўрганиш бугунги муҳим масалалардан биридир.

Адабиётлар:

1. *Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ.* Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – 248 б.
2. *Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё.* Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 160б.
3. *Одинцов В.В.* Стилистика текста. – Москва: Наука, 1980. – 262 с.
4. *Мукаррамов М.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. – Тошкент: Фан, 1984. – 159 б.
5. *Каримов С*. Ўзбек тили функционал стилистикаси. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2010. – 192 б.
6. *Виноградов В.В.* Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – Москва: Издательство Академии Наук СССР, 1963. – 593 с.
7. *Маҳкамов Н., Мадвалиев А., Мамажонов А.* Мурувватли устоз. // Академик Ғ.Абдураҳмонов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий-оммабоп мақолалар тўплами. – Тошкент, 2015. – Б. 32–33.
8. *Кожин А.Н., Крылова О.А., Одинцов В.В*. Функциональные типы русской речи. – Москва: Высщая школа, 1982. – 489с.
9. *Кожина М.Н.* К основаниям функциональной стилистики. – Пермь: Пермский госуда́рственный университет, 1968. – 251 с.
10. *Мамажонов А*. Қўшма гап стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 110 б.
11. *Матвеева Т.В.* Функциональные стили в аспекте текстовых категорий. – Свердловск: Издательство Уральского Университета, 1990. – 170 с.
12. *Солганик Г.Я.* Синтаксическая стилистика. – Москва: Высшая школа, 1973. – 223 б.

POPULAR-SCIENTIFIC SPEECH TEXTS AND THEIR STYLISTIC PECULIARITIES

M.T. Khalilova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 124-131.

[1]Fergana State University, Fergana, 150100, str. Murabbiylar, 19 Uzbekistan). E-mail: fardu_info@umail.uz

Keywords: speech, popular-scientific speech, text, expressive means, stylistic devices, substyle, functional-stylistic aspect, principles of text formation.

Scientific-popular speech-specific micro-texts, which exist as a separate sub-style within the scientific style, are aimed at exploring their specific methodological features.In the introductory part of the article, the study of popular science style as a small subtext of scientific texts,the formation of such texts, the content, which differs from the purely scientific text, the means by which this content is formed.

In the main part, the methodological features of such microtexts, theoretical issues are interpreted on the basis of the method of structural-stylistic analysis.The main basic elements for the structure and content of popular scientific texts, without which the text itself would not exist, the features that distinguish them from pure scientific speech texts are explained on the basis of examples.We know that pure scientific texts are created by the owners of the field and can be understood only by representatives of this field, new terms are used, which are incomprehensible to the general public, in which the idea is expressed in a more complex way.

These hallmarks of scientific style are repeated in a peculiar way even in popular scientific texts, instead of generally unfamiliar terms and abstract formulas, explicit descriptive materials are given more space.

By emphasizing this, the author of the article notes that the inclusion of familiar terms, portable words in such texts, the statement of opinion takes on a special character,explains the appropriate use of means in artistic discourse in order to ensure the interestingness and impact of the statement.

Explains his ideas by analyzing the example of a microtext from a popular scientific pamphlet. During the analysis, the logical-semantic transition from one semantic plan to another,as a result of the addition of the basic elements inherent in popularity, substantiates the formation of a speech text that is intended for the general public, in which they can express their active emotional relationship to the subject of the speech. Explaining or commenting on a purely scientific text can make it difficult for the reader to comprehend the idea. It is stated that a popular scientific text can help the reader to think independently and make logical judgments.

In the concluding part, the texts of popular science discourse provide a broader understanding of scientific thought than the texts of scientific style about things and events in nature and society. It is said that such texts do not bore the readership and make them more appealing. In this regard, the author intends to expand the publication of manuals based on texts specific to popular science speech, and it is emphasized that the study of such types of texts as a separate stylistic manifestation in the form of a functional-semantic category is one of the pressing issues in the field of functional stylistics and text linguistics.

References:

1. Shomaqsudov, A. (et.al.) (1983) *O‘zbek tili stilistikasi* [Stylistics of the Uzbek language]. Tashkent: O‘qituvchi.

2. Kungurov, R. (1992) *Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari* [Fundamentals of speech culture and stylistics]. Tashkent: O‘qituvchi.

3. Odintsov, V.V. (1980) *Stilistika teksta* [Stylistics of the text]. Moscow: Nauka.

4. Mukarramov, M.(1984) *Hozirgi o‘zbek adabiy tilining ilmiy stili* [Scientific style of modern Uzbek literary language]. Tashkent: Fan.

5. Karimov, S.(2010) *O‘zbek tili funksional stilistikasi* [Functional stylistics of Uzbek language]. Samarkand: SamDU nashri.

6. Vinogradov, V.V. (1963) *Stilistika. Teoriya poeticheskoy rechi. Poetika* [Stylistics. The theory of poetic speech. Poetics]. Moscow: Izdatel’stvo Akademii Nauk SSSR.

7.N. Makhkamov, A. (et.al) (2015) Muruvvatli ustoz [«Merciful teacher”]. Akademik G‘. Abdurahmonov tavalludining 90 yilligiga bag‘ishlangan ilmiy-ommabop maqolalar to‘plami [Collection of scientific articles dedicated to the 90th anniversary of academician G.Abdurakhmanov]. Tashkent. Pp. 32-33.

8. Kozhin, A.N. (et.al) (1982) *Funkcional’nye tipy russkoy rechi* [Functional types of Russian speech]. Moscow: Vysshaya shkola.

9. Kozhina, M.N.(1968) *K osnovaniyam funkcional’noj stilistiki* [Towards the foundations of functional stylistics]. Perm’: Permskij gosudárstvennyj universitet.

10. Mamazhonov, A. (1990*) Qo‘shma gaplar stilistikasi [Double sentence stylistics]. Tashkent: Fan.*

11. Matveeva, T.V. (1990) *Funkcional’nye stili v aspekte tekstovyh kategoriy* [Functional styles in terms of text categories]. Sverdlovsk: Izdatel’stvo Ural’skogo Universiteta.

12. Solganik, G.Y. (1973) *Sintaktik stilistika* [Syntactic stylistics]. Moscow: Vysshaya shkola.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Халилова Муяссархон Толиповна – Фарғона давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси. E-mail: mt.xalilova@ pf.fdu.uz